

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**649** Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ–362-сон «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ–1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-ққ, 08-05-04-сон қарори (рўйхат рақами 2577, 2014 йил 28 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 18-сон, 202-модда) билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири**

**У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 21 декабрь,  
27-мқ-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 21 декабрь,  
106-сон

**Маданият ва спорт  
ишлари вазири**

**Б. АХМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 21 декабрь,  
24-сон

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот  
агентлиги бош директори**

**О. ЮНУСОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 21 декабрь,  
10-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Халқ таълими вазирилик, Молия вазирилик,  
Маданият ва спорт ишлари вазирилик,  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги-  
нинг 2015 йил 21 декабрдаги 27-мх,  
106, 24, 10-сон қарорига  
ИЛОВА

**Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик  
қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Республика бўйича дарсликларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини ҳар бир ҳудудлар кесимида шакллантиришда 1-синф ўқувчиларига синфлар ва таълим тиллари бўйича буюртманинг умумий ҳажмидан 5% гача, 2 — 9-синф ўқувчиларига дарсликлардан фойдаланиш даврларида синфлар ва таълим тиллари кесимида энг кўп ўқувчилар контингенти тахлили асосида умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захираси шакллантирилиши мумкин.»

2. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови миқдорини аниқлаш жараёнида тегишли миқдордаги дарсликларни жорий молия йилида янгилаш ва ижара тизимига киритилишида уларни харид қилиш ва етказиб бериш учун зарур бўладиган маблағларнинг шартномавий ҳажми, Жамғарма ижроия дирекциясининг ўтган молия йилидаги ҳақиқий харажати ҳамда ўтган молия йилидаги Жамғарма томонидан ҳақиқатда олинган ёки келгуси молия йилида олиниши кутилаётган даромадлар ҳисобга олинади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ–363-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб

**52 (708)-сон**

**— 97 —**

**649-650-моддалар**

жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ дарсликлар учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.».